

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 1, 2021

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL \* НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

1-son 2021-yil. \* Выпуск 1. 2021 год.

**BOSHMUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**

**BAROTOVSH. R.**

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии

Психологических Наук

**ТАНРИР НАУ'АТИ – РЕДАКЦИОННАЯ**

**КОЛЛЕГИЯ:**

XAMIDOVO.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,  
iqtisodiyot fanlari doktori, professor

SHOUMAROV G`B.

(Bosh muharrir o`rinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor  
UMAROV B.M.

(Bosh muharrir o`rinbosari)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOZLOV V.V. (Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

MALI`X S.B.(Rossiya)

psixologiya fanlari doktori, professor

KOROBAYNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor

KARIMOVA V.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

SAFOYEV N.S.

psixologiya fanlari doktori, professor

BEKMURODOV M.B.

sotsiologiya fanlari doktori, professor

KADIROV U.D.

psixologiya fanlari doktori, professor

JABBOROV A.M.

psixologiya fanlari doktori, professor

NISHONOVA Z.T.

psixologiya fanlari doktori, professor

IBODULLAYEV Z.R.

tibbiyot fanlari doktori, professor

BEGMATOV A.S.

falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafafanlari doktori, professor

MUXAMEDOVA D.G.

psixologiya fanlari doktori, professor

QAHHOROV O.S. BuxDU ilmiy ishlar

va innovatsiyalar bo'yicha prorektori.

Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa

doktori (PhD).

**MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:**

Usmanova M.N.–psixol.fan.nom., dot.

Muxtorov E.M.– psixol.fan.nom., dot.

Barotova D.Sh.–psixol.fan.nom., dot.

Raxmatova M.M.– filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dot.

Eshbekov T.U. - filol.fan.nom., dot.

Dilova N.G'. – pedagogika fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dot.

**ТЕХНИК МУХАРИЛЛАР – ТЕХ.**

**РЕДАКТОРЫ:**

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

**MAS'UL KOTIB – ОТВ.**

**СЕКРЕТАРЬ**

Sobirova D.A. Psixologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD).



# PSYCHOLOGY

SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 1: 2021

**EDITOR-IN-CHIEF:**

**BAROTOV SH. R.**

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

**EDITORIAL BOARD:**

XAMIDOV O.X.

Doctor of Technical Sciences, Professor,  
the rector of Bukhara State University

SHOUMAROV G.B.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

UMAROV B.M.

(Deputy editor)

Doctor of Psychology, Professor

The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

MALIKH S.B.(Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KOROBAYNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor

SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor

BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor

KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor

JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor

ABDURAHMANOV F.R.

Doctor of Philosophy, Professor

MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor

QAHHOROV O.S.

The vice rector of Bukhara State

University on Scientific and innovation

Matters, PhD of Economics

**EDITORS:**

Usmanova M.N.–Candidate of

Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of

Psychology, Docent

Barotova D.Sh.–Candidate of

Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of

Philosophy in Philological

(PhD)., Docent

Eshbekov T.U. - Doctor of

Philosophy in Philological sciences

(PhD)., Docent

Dilova N.G. - Doctor of

Philosophy in Pedagogy

(PhD)., Docent

**TECHNICAL EDITORS:**

Jamilova B.S, Ostanov Sh.Sh,

Rustamov Sh.Sh.

**EXECUTIVE SECRETARY**

Sobirova D.A.PhD of Psychology



## Мундарижа/Содержание/Contents

3	<b>Баратов Ш.Р., Баротова Д.Ш., Исмамова Д.Т.</b>
	Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотининг яратилиши: муаммо ва ечимлар <i>Creating a multimedia product in the field of family psychology: problems and solutions</i>
9	<b>Абдуллаева Б.С., Якубова Г.А., Искандерова С.А.</b>
	Психологлар амалий фаолиятидаги психофизиологик методларнинг муҳим ўрни <i>The role of psychophysiological techniques in the practical paralysis of psychologists</i>
14	<b>Собирова Д.А.</b>
	Тиббиёт ходимлари фаолиятида социал-психологик компетентлик ва эмоционал интеллект орасидаги муносабатлар таҳлили (Холл услуби бўйича) <i>Analysis of the relationship between social-psychological competence and emotional intelligence in the activities of medical personnel (according to the Hall method)</i>
17	<b>Назаров А.М.</b>
	Спортчиларда муҳофаза механизмларини ривожлантиришнинг ўзига хос психологик хусусиятлари <i>Specific psychological features of the development of protection in athletes</i>
22	<b>Авлаев О.У.</b>
	Талабалар камолотида ижтимоий интеллектнинг гендер фарқлари <i>Gender differences in social intelligence in student maturity</i>
29	<b>Адилова Ш.Т.</b>
	Суицидал хулқ-атвор-психологик муаммо сифатида <i>Suicidal behavior-as a psychological problem</i>
33	<b>Арзикулов Д.Н.</b>
	Спорт-педагогик фаолият қобилиятларини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик шартларини моделлаштириш. <i>Modeling of socio-psychological conditions for development of abilities of sports-pedagogical activity.</i>
39	<b>Арсланов К.П., Джурсаева М.З., Жўраев Ж.Р.</b>
	Психологическая сущность воспитания спортсменов. <i>The psychological essence of the education of athletes.</i>
43	<b>Munirov N.A.</b>
	<i>Jismoniy tarbiya mashg'ulotlarida bolalar rivojlanishining psixologik yosh xususiyatlari</i> Psychological age characteristics of children's development in physical education classes
48	<b>Давронов Н.И.</b>
	Қадриятли ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний сифатларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари <i>Psychological characteristics of the upbringing of physical qualities in primary schoolchildren on the basis of a dignified approach</i>
51	<b>Нарзикулова Д.Х.</b>
	Оилада низоларнинг яратувчанлик ва бузғунчилик хусусиятларини бартараф этишнинг психологик жиҳатлари <i>Psychological aspects of overcoming the creative and destructive features of conflicts in the family</i>
55	<b>Ишонкулова Н.И.</b>
	Особенности и тенденции развития стрессоустойчивости в подростковом возрасте <i>Features and trends in the development of stress resistance in adolescence</i>
59	<b>Қаршиева Д.С.</b>
	Касбий стресс ва унинг детерминантлари <i>Occupational stress and its determinants</i>
63	<b>Мамажанов И.Г.</b>
	Талабаларни касбий инновацион фаолиятга тайёрлаш





	Preparation of students for professional innovation activities
69	<b>Мунинова Р.Ю.</b> Содержание тренинговой программы развития саморегуляции студентов высших образовательных учреждений педагогического профиля
	Content of the training program for the development of self-regulation of students of higher educational institutions of pedagogical profile
73	<b>Одилжоннова А.А.</b> Кичик мактаб ёшидаги иктидорли ўқувчиларда креатив қобилиятларни шакллантиришнинг психологик асослари.
	Psychological fundamentals of formation of creative abilities in talented students of primary school age.
79	<b>Очилова М.А.</b> Оиладаги ижтимоий низоларни педагогик ўрганиш ва уларни бартараф этиш.
	Pedagogical study of social conflicts in the family and their elimination.
82	<b>Полванова Д.Т.</b> Ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш масалалари жанубий корей тажрибасида.
	Issues of information and psychological security of young people from the perspective of the South Korean experience.
87	<b>Salaxutdinova M.I.</b> Iste'molchi xulq-atvorini tasniflash
	Classification of consumer behavior
93	<b>Султонов Ш.У.</b> Спорт фаолиятида стрессорларнинг таъсирини назарий ўрганилиши
	Theoretical study of the effects of stressors in sports activities
98	<b>Тошова Г.Ж.</b> Оилада болалар билан мулоқот қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари
	Socio-pedagogical conditions of communication with children in the family
101	<b>Умматова С.</b> Рашк феноменининг гендер ва ёш хусусиятлари
	Gender and age characteristics of the phenomenon of jealousy
105	<b>Усманова Э.З., Нерушева С.Ю.</b> Взаимосвязь увлеченности работой и профессиональной мотивации учителя
	The relationship between passion for work and professional motivation of the teacher
111	<b>Шаринова С.Б.</b> Оилавий муносабатларда шахснинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришнинг педагогик психологик жиҳатлари
	Pedagogical psychological aspects of formation of the world culture of human in family relations.
116	<b>Эгамбердиев Ф.Т.</b> Спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш-психологик муаммо сифатида.
	Formation of will qualities in athletes-as a psychological problem.
119	<b>Atabaeva N.B.</b> The role of altruistic motivations in education of teenagers in the patriotic spirit.
	Ўсмирларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда алтруистик мотивларнинг ўрни.
124	<b>Олимов Л.Я.</b> Экстремал вазиятларда копинг хулқ-атвор ва стратегиялар намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари
	Social psychological features of coping behavior and manifestation of strategies in extreme situations
130	<b>Шойимова Ш.С.</b> Тиббиёт ОТМ педагогларининг касбий сўниш даражасини ўрганиш
	Study of the level of extinction of professionalism of medical teachers



140	<b>Саттаров Э.Н.</b>
	Бошқарув компетенциялари моделларини ишлаб чиқишнинг замонавий амалиётдаги илғор тажрибаси ва уни қўллаш имкониятлари.
	Best experience in the development of models of management competencies in modern practice and opportunities for its application.
144	<b>Тўева З.Н.</b>
	Мактабда ўқувчи нутқига қўйиладиган асосий талаблар. Basic requirements for student speech in school
149	<b>Думаров М.Х.</b>
	Ёшлар ижтимоий реаллик идрокининг ўзига хос жиҳатларини эмпирик ўрганилиши. Empirical study of the specific aspects of youth social reality.
154	<b>Назаров А.С.</b>
	Раҳбар фаолиятида бошқарув қарорларини қабул қилишнинг ташкилий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари. Organizational and socio-psychological features of management decisions in the activities of the management.
161	<b>Нишанов С.Ю.</b>
	<i>Психология вранья человека место, время и микровыражения.</i> Psychology of human lies place, time, and micro expressions.
165	<b>Хусанова Д.Г.</b>
	Меҳрибонлик уйининг ўсмир ёшидаги тарбияланувчиларининг психологик тавсифи. (РБИММ илмий ходимлари томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида) Psychological description of the upbringing of the orphanage at the teenage age. (Based on the results of the research conducted by the scientific staff of RBIMM)
174	<b>Чориев Ф.</b>
	Тафаккур ривожланишида креативликнинг психологик омиллари. Psychological factors of creativeness in the development of cognition.
178	<b>Рамазонов Ж.Д.</b>
	Ўзини-ўзи идора қилиш мотивациясини ривожлантиришнинг эмпирик асослари The empirical basis of developing self-management motivation
183	<b>Шарапова С.Дж.</b>
	Ёшларда турли таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик асослари Socio-psychological basis for the formation of ideological immunity in young people against various threats
190	<b>Тургунов А.А.</b>
	Мактабгача таълим жараёнида психологик маслаҳат ишлари Psychological counseling in preschool education
<b>МАГИСТРЛАР МИНБАРИ</b>	
195	<b>Собиров А.А.</b>
	Содержание тренинговой программы развития психологической защиты у спортсменов Content of the training program for the development of psychological protection in athletes
199	<b>То'utmurodov A.Sh.</b>
	Ekstremal vaziyatlarda aholiga psixologik xizmat ko'rsatishning ilmiy - amaliy asoslari Scientific-practical basis of psychological service to the population in extreme situations
<b>ИЛМИЙ МУШОҲАДА</b>	
206	<b>Товбаева М.С.</b>
	Оилавий муносабатларда психологик деспотизм кўринишлари Manifestations of psychological despotism in family relations
210	<b>Қодирова А.Б.</b>
	<i>Ал-Ҳаким ат-Термизий шахси, илмий-ижодий фаолиятининг ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатлари</i> <i>Al-Hakim at-Termiziy personality, socio-psychological and pedagogical aspects of his scientific and creative activity.</i>



216	<b>Рустамов Ш.Ш.</b>
	<i>Кластерный анализ при большом количестве наблюдений (кластерный анализ методом к-средних)</i>
	<i>Cluster analysis with a large number of observations (k-means cluster analysis)</i>
219	<b>Останов Ш.Ш.</b>
	<i>Талабаларда арт-терапия орқали креативликни ривожлантиришининг ўзига хос хусусиятлари</i>
	<i>Features of the development of creativeness in students through Art therapy</i>
222	<b>Якубжанова Д.Б.</b>
	<i>Сурдопедагогнинг шахсий-касбий компетентлигини белгилайдиган сифатлар ҳамда уларни ривожлантириши масаласи</i>
	<i>Qualities that determine the personal and professional competence of a deaf pedagogue and the issue of their development</i>
<b>УСТОЗЛАР ҲАЁТИДАН</b>	
227	<b>Олимов Ш.</b>
	<i>Жонкуяр фидоий педагог</i>



**Останов Шухрат Шарифович,**

*Бухоро давлат университети, Психология кафедраси катта ўқитувчиси*

## ТАЛАБАЛАРДА АРТ-ТЕРАПИЯ ОРҚАЛИ КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Ушбу мақола “Оила психологияси фанидан мультимедиа маҳсулотини яратиш”  
мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган**

**Аннотация:** Ушбу мақолада психологлар томонидан ҳанузгача катта эътибор қаратилган ва креативлик муаммоси ёритилган. Шахс психологияси манфаатлари доирасига салоҳият муаммосининг киритилиши маълум оқибатларига олиб келади. Ижодий салоҳият тушунчаси ҳақидаги тадқиқотлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** тенденция, арт-терапия, креативлик, шахс хусусияти, ижодий салоҳият, психологик хусусият.

**Аннотация:** В статье рассматривается проблема творчества, которая до сих пор находится в центре внимания психологов. Включение проблемы потенциала в интересы индивидуальной психологии имеет определенные последствия. Представлено исследование концепции творческого потенциала.

**Ключевые слова:** направление, арт-терапия, творчество, личность, творческий потенциал, психологические особенности.

**Resume:** The article deals with the problem of creativity, which is still in the center of attention of psychologists. The inclusion of the problem of potential in the interests of individual psychology has certain consequences. The study of the concept of creativity is presented in the article.

**Key words:** direction, art therapy, creativity, personality, creative potential, psychological characteristics.

**Мавзунинг долзарблиги:** Салоҳият тушунчаси мураккаб тоифавий бирликдир. Ижодий салоҳият тушунчаси мазмунининг психологик талқинини кўриб чиқишдан олдин "салоҳият" тушунчаси таърифига эътибор қаратамиз.

Хорижий сўзлар луғатида (1989 йил нашр) салоҳият денотати қуйидагича изоҳланган. Потенциал (лотинча potentia - куч, қувват) умумиллий универсал илмий категория бўлиб, мавжуд воситалар, ресурслар, имкониятлар мажмуини англатади.

Хорижий сўзлар луғати (2000 йил нашри) **салоҳият** тушунчасини ҳар қандай жиҳатдан қудрат даражаси, ҳар қандай соҳадаги мавжуд воситалар, имкониятлар йиғиндиси сифатида изоҳлайди.

Н. Ю. Шведова таҳриридаги рус тилининг изоҳли луғати салоҳиятнинг қуйидаги таърифини беради. Салоҳият - бу ички имкониятдир.

А. М. Прохоров таҳририда нашр этилган Совет энциклопедик луғат (1989 йил нашри) қуйидаги маълумотни беради: "**Салоҳият**- ҳар қандай вазифани ҳал қилиш, алоҳида шахс, жамият ёки давлатнинг маълум бир мақсадига эришиш фойдаланиш мумкин бўлган манбалар, имкониятлар, маблағлар, захиралар.

Шундай қилиб, "салоҳият" тушунчасининг семантикаси ҳар қандай соҳада муайян мақсад учун фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд манбалар, имкониятлар, воситалар, ресурслар мажмуининг мавжудлиги билан белгиланади.

Табиийки, салоҳият муаммоси инсонни, унинг хулқ-атвори, фаолияти, айниқса, шахсий ва касбий ютуқларини ўрганувчи фанлар эътиборини ўзига жалб қилган. Унинг мазмуни бўйича тадқиқот натижаларини қисқача кўриб чиқамиз.

Психологлар узоқ вақт давомида инсон салоҳиятини долзарблаштириш муаммосига қизиқиш билдириб келишмоқда. Маслоу ўзининг шахс назариясига инсон табиатининг салоҳиятлилиқ нуқтаи назарини асос қилиб олган. Мерфи ва Роджерс ҳам ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятига эътибор беришган. Олпорт ўз-ўзини ривожлантириш учун инсонда табиий қобилиятлар борлиги ҳақида ёзган.





Бироқ, замонавий психология Маслоу, Мерфи, Роджерс ва Оллпорт даврига қараганда анча кенг камровли хулқ-атвор, когнитив ва ижтимоий фанлар бўйича тўпланган билимлардан фойдаланиши мумкин. Бу муҳим афзаллиги ҳисобланади. Инсон салоҳиятини юксалтиришнинг энг самарали йўли - шахс фаолиятининг детерминантлари ва механизмларини тушунишдир. Уларни тушуниш орқали ўзгариши мумкин бўлган руҳий жараёнларни ва инсон фаровонлиги учун уларни ўзгартириши мумкин бўлган психологик омилларни аниқлаш мумкин бўлади. Психик механизмлар ва ва уларга таъсир этувчи омилларни илмий ўрганиш инсонпарварлик мақсадларига тўлиқ мос келади.

Психологик тадқиқотларда шахсий салоҳият ёки "салоҳият" муаммоси асосан "қобилият" га нисбатан кўриб чиқилади. Салоҳият соҳаси шахс ривожланишида энг муҳим белгиловчи вазифаларни бажаради. Салоҳият шахсий ривожланишнинг энг муҳим "бошланғич" шартларини англатади, маъно шаклланиши ва вақтинчалик истиқболнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Н.Ф. Вишнякова, А.Гольраски, П.Ф. Кравчук, В.М. Поздняков, Я.А.Пономарев, Е.Яковлева лар томонидан олиб борилган психологик тадқиқотларга кўра, **салоҳият соҳасига** қуйидагилар киради:

- шахснинг табиий хусусиятлари (туғма ёки табиий майллар, анатомик ва физиологик шарт-шароитлар, шахснинг ривожланишини белгиловчи периферик ва марказий асаб тизимининг ирсий хусусиятлари);

- қобилиятлар (тэнг куч ва вақт сарфлайдиган, бошқаларга нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлган инсоннинг потенциал имкониятлари);

- шахснинг йўналганлиги (шахс фаолиятини йўналтирадиган ва юзага келаётган вазиятлардан нисбатан мустақил бўлган барқарор мотивлар мажмуи);

- шахсий куч (потенциал имкониятларни, қийинчилик ва тўсиқларни бартараф етиш қобилиятини, кучли иродали сифатларни ифодаловчи кўрсаткич).

**Долзарблик соҳасига** бу муаллифлар сифат жиҳатидан янги, трансформацияланган салоҳиятли, яъни айни пайтда ҳақиқий фаолият, мулоқот, муносабатлар ва ўзаро таъсирда фаолият кўрсатадиган имкониятларни китишади.

Н.Ф. Вишнякова, Л.Я.Дорфман, П.Ф. Кравчук, А.Дж. Кропли, Я.А. Пономарев, Е.Л. Яковлеванинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, шахснинг салоҳиятли ва долзарб соҳалари ўртасида диалектик алоқалар мавжуд. Ривожланиш жараёни салоҳиятлидан долзарбга ва долзарбдан салоҳиятга қараб бориши орқали амалга оширилади. Шахсий ривожланиш ҳар икки соҳада, ўзаро алоқадорликда амалга оширилса, прогрессив бўлиши таъкидланади. Салоҳиятлиси муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлса, улардан энг муҳими шахснинг фаоллиги бўлса долзарблашиши ва реал ҳолга айланиши мумкин.

Амалий психологик тадқиқотларда шахс салоҳиятини ўрганиш Р.Бернс, Л.Никифоров, В. Калвейт, Ф. Клике, Г. Нойнер, Б.А. Фролов ва бошқаларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ.

Бундай ҳолда, салоҳият тавсифига энг муҳим хусусиятлари иш қобилияти, самарадорлик, мураккаб махсус қобилият, юқори мотивация, фаолият йўналиши ва тажриба киради.

Н.Ф. Вишнякова, П.Ф. Кравчук, Артур Дж. Кропли, В.А. Петровский, М.Поздняков, С.Ю. Степанов, Е.Л. Яковлевалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, шахсий салоҳият ўзига хос тизими бўлиб, бир нечта **таркибий қисмлар** (салоҳият турлари)дан иборат:

- биологик салоҳият;
- психологик салоҳият;
- характерологик салоҳият;
- шахсий тажриба салоҳияти;
- шахснинг йўналганлик салоҳияти;
- ижодий салоҳият.

Жисмоний ва ақлий фаолият, ишлаш ва барқарорликка катта таъсир кўрсатадиган инсоннинг **биологик салоҳияти** асосий ҳисобланади. Бу салоҳиятнинг ресурслиги шахс фаоллиги ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бу салоҳият ресурс "табиат томонидан берилган" бўлсада, мақсадли ўз-ўзини ривожлантириш орқали оширилиши мумкин.

**Психологик салоҳият** руҳий жараёнларнинг ресурс хусусиятини акс эттиради: хотира, диққат, тафаккур, тасаввур ва ҳиссий ва иродавий соҳанинг ҳажми ва хусусиятлари. Бу салоҳият шахснинг махсус қобилиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг очиб берилиши тегишли қобилиятларнинг ривожланиши билан белгиланади.



**Характерологик салоҳият** фаоллик, мақсадга интилиш, қатъийлик ва иродалилиқ каби хусусиятларнинг ривожланиш даражасида намоён бўлади. Бу салоҳият табиий хоссаларга ҳам боғлиқ бўлиб, муҳим тўлдирилдиган ресурс сиғимига эга, чунки муайян характер хислатлари ўзидан-ўзи шаклланиши, яъни тарбияланиши мумкин.

**Шахсий тажриба салоҳияти** деярли чекланмаган ресурсни тўлдириш хусусиятига эга. Тажриба, янги билим ва кўникмалар ҳаёт давомида эгалланади ва бу жараён жадал суръатлар билан ривожланиши мумкин.

**Шахнинг йўналганлик салоҳияти** шахсий стандартлар ва эталонлар, мақсадлар ва шахсий маънолар билан боғлиқ бўлиб, акмеологик мазмунга эга. Ҳозирги вақтда психологияда шахснинг йўналганлиги деганда шахс фаолиятини йўналтириб турувчи ва юзага келаётган вазиятларга нисбатан мустақил бўлган барқарор мотивлар мажмуи тушунилади. Шахснинг йўналтиришда онгли мотивлар асосий роль ўйнади. Йўналганлик қуйидаги иерархик жиҳатдан боғланган шаклларда намоён бўлади: интилиш, истак, қизиқиш, мойиллик, идеал, дунёқараш, эътиқод.

Маълумки, истиқболли фаолият мураккаб муаммоларнинг ностандарт ечиш зарурияти билан боғлиқ бўлса, унда шахснинг ижодий салоҳияти ҳақида гапириш мумкин. Тадқиқотчилар (Н. Ф. Вишнякова, П. Ф. Кравчук, В. А. Петровский, В. М. Поздняков, А. А. Степанов, Е. Л. Яковлева, ва бошқалар)нинг таъкидлашича, йирик кўламдаги фаолият, янги технологиялар ва алгоритмлар юксак **ижодий салоҳиятга** эга кишилар томонида тезроқ ва самарали ўзлаштирилади.

Шахснинг тавсифлашнинг тизимли ёндашуви таркибий ва сабаб-оқибат алоқаларини ўз ичига олади, бу эса унинг моҳиятига зид келмайди ва уни интеграл яхлитлик сифатида тавсифлайди. Шунинг таъкидлаш керакки, ижодкорлик бўйича жуда катта ҳажмдаги илмий ишлар борлигига қарамадан, фақат айрим психологлар ва педагоглар **шахснинг ижодий салоҳият тушунчасини тизимли шакллантирувчи омил** сифатида ажратиб кўрсатишган.

Ривожланиш ҳақида фақат микдорий эмас, балки хусусиятларнинг сифат ўзгаришларини ҳам ўз ичига олувчи ҳодиса сифатида гапирар эканмиз, **шахснинг ижодий салоҳияти ривожланиши кўрсаткичларини** аниқлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Назарий таҳлилни амалга оширишда биз ижоднинг турли хил таърифлари бир нарсада умумлашганига гувоҳ бўлдик: ижодий салоҳиятни амалга ошириш ва ривожлантириш янги (моддий ёки маънавий соҳада) нарсаларни дунёга келтиришга боғлиқ экан. Инсон индивидуаллиги бетақрор ва ноёбдир. Шахснинг индивидуаллигини рўёбга чиқариш - бу ижодий ҳаракат, инсоннинг ижодий имкониятларини, ижодий ресурсларини очиб беришдир.

"Креатив акмеология" ва "Креатив психопедагогика" асарлари муаллифи Н. Ф. Вишнякова шахснинг **ижодий салоҳияти** креатив компонентларнинг ориентация, қадриятлар ва шахс манфаатлари билан боғлиқлиги табиати билан белгиланганлигини қайд этади. У назарий қоидаларга асосланган шахснинг ижодий салоҳияти динамикасини аниқлашга мўлжалланган тестни ишлаб чиққан бўлиб, унга кўра шахснинг ижодий салоҳияти мураккаб психологик тузилма ҳисобланиб, "мен"- Идеал билан боғлиқликка эгадир. Муаллифнинг фикрича, инсон ижодий салоҳиятининг ривожланиши креатив компонентларнинг ўзгариши билан боғлиқ.

Адабиётлар таҳлилига асосланиб, шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш кўрсаткичларидан бири сифатида креатив ва мотивацион кўрсаткичларнинг ўсишига ёрдам берадиган "Мен"-идеалнинг ўзгаришини аниқлашимиз керак. Шахснинг ижодий салоҳиятининг ривожланиш мезонларини аниқлаш муаммосига оид адабиётларни таҳлил қилишда давом этиб, В.В.Давидов тадқиқотларига эътибор қаратиш мумкин. У ўз навбатида, креатив компонентнинг шахснинг ижодий салоҳияти тузилишидаги ролини таъкидлайди. Унинг фикрича, юксак ижодий салоҳиятга эга инсонлар ривожланган тасаввур, кучли сезги, ўз-ўзини ифодалашга интилиш, ностандарт ва унумли фикрлаш, янгилик ва ўз ресурсларини фаолият жараёнида сафарбар эта олиш қобилияти билан ажралиб туради.

Н.Ф. Вишнякова инсоннинг ижодий салоҳиятининг саккизта асосий таркибий қисмини кўрсатиб ўтган: оригиналлик, тасаввур, сезги, ижодий фикрлаш, ҳазил, эмпатия, қизиқиш ва фаолиятга ижодий ёндашув.

В. А. Моляко шахснинг ижодий салоҳиятининг қуйидаги таркибий қисмларини санаб ўтган:

- тараққиётга ва маънавий юксалишга интилиш;



■ янги, ёки гайриоддий нарсага дуч келганда хайрон қолиш қобилияти ёки саросимага тушиш;

- янги билимларни тез эгаллай олиш қобилияти;
- муаммони тўлиқ англай олиш, унинг ҳолатини назорат қилиш;
- спонтанлик, оддийлик;
- спонтан эгилувчанлик;
- оригиналлик;
- дивергент фикрлаш;
- Янги тажрибага нисбатан очиклик, қабул қилувчанлик.

Дж.Гилфорд ва Е.П. Торренс ижодий фикрлаш (ёки дивергент фикрлаш; йўналтирилмаган фикрлаш) инсоннинг ижодий салоҳиятининг таркибий қисми сифатида келиши мумкин, деб ҳисоблашади. Бу эса конвергент фикрлашдан фарқли ўлароқ, юзага келган муаммони ҳал қилишнинг бир неча йўллари, вариантларини ва усулларини топишга имкон беради. "Турли йўналишларда фикрлаш қобилияти", "кенгликда фикрлаш" деб белгиланган дивергент фикрлаш муаммолар, вазифаларни ҳал қилиш ва ностандарт вазиятлардан чиқиш учун кенгрок "майдонга" чиқиш ҳодисасига мувофиқ келади.

Ижодий фикрлаш мезонлари сифатида муаллифлар раволик, мослашувчанлик, ўзига хослик (оғзаки ва тасвирий ижодий фикрлаш учун) ва ишлаб чиқилганлик (тасвирий ёки мажозий ижодий фикрлаш учун ижодий жараёни мажозий, тасвирий материал, мажозий белгилар билан амалга оширишга имкон беради) кўрсатиб ўтилган. Бўлажак ўқитувчи шахсининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни экспериментал ўрганишга бағишланган иккинчи бобда шахсининг ижодий салоҳиятининг таркибий қисми бўлган ижодий фикрлаш мазмуни ва кўрсаткичларини ўлчаш масаласи таҳлил қилинган.

#### Адабиётлар:

1. Арт-терапия /сост. и общая редакция А.И. Копытина. - СПб.: Питер, 2001
2. Брушлинский А.В. Психология мышления и проблемное обучение. - М.: Знание, 1983 -96 с.
3. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления / Под ред. А.М. Матюшкина. М.: 1965. -С 433-456.
4. Гатанов Ю.Б. Курс развития творческого мышления (по методике Дж. Гилфорда и Дж. Рензулли): Первый год обучения (для детей 6-10 лет). — СПб: ГП «Иматон», 1996. - 84 с.



*Якубжанова Дилобар Батыровна,  
Низомий номидаги ТДПУ докторанти*

### СУРДОПЕДАГОГНИНГ ШАХСИЙ-КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН СИФАТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

**Аннотация:** Маколада Республикамизда ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб махсус таълим жараёнида эшитишида нуқсонли бўлган ўқувчиларга сифатли коррекцион-педагогик ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсата оладиган, касбининг моҳияти, мазмуни ва вазифаларини чуқур эгаллаган қар ва заиф эшитувчи ўқувчилар билан психологик жиҳатдан ўзаро муносабатларни ўрната олиш қобилиятига эга бўлган, мақсадли махсус ташкил қилинган, ривожлантирувчи-таълимий вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган сурдопедагог-ўқитувчининг касбий фаолияти муваффақиятини белгилаб берадиган муҳим таркибий компонентлар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** сурдопедагог, шахс, касб, нуқсон, ўқувчилар, махсус.

**Аннотация:** В статье, исходя из современных требований специального образования в Республике, раскрыты важнейшие компоненты, определяющие успех профессиональной